

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТОВ БЕКТОШ ШОМУРОД ЎҒЛИ**

**ЁШ ТАЭКВОНДОЧИЛАРДА МУВОЗАНАТ САҚЛАШ ТУРҒУНЛИГИ  
ВА ҲАРАКАТ АНИҚЛИГИНИ ВЕСТИБУЛОСОМАТИК МАШҚЛАР  
ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**13.00.04–Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Рахматов Бектош Шомурод Ўғли**

Ёш таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлиги ва ҳаракат аниқлигини  
вестибулосоматик машқлар ёрдамида ривожлантириш самарадорлиги..... 3

**Рахматов Бектош Шомурод Ўғли**

Эффективность развития устойчивости сохранения равновесия и точности  
движений у юных таэквондистов с использованием вестибулосоматических  
упражнений ..... 31

**Rahkmatov Bektosh Shomurod O'g'li**

The effectiveness of developing balance stability and movement accuracy in young  
taekwondo fighters using vestibulosomatic exercises ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 61

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХМАТОВ БЕКТОШ ШОМУРОД ЎҒЛИ**

**ЁШ ТАЭКВОНДОЧИЛАРДА МУВОЗАНАТ САҚЛАШ ТУРҒУНЛИГИ  
ВА ҲАРАКАТ АНИҚЛИГИНИ ВЕСТИБУЛОСОМАТИК МАШҚЛАР  
ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**13.00.04–Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped2029 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ярашев Комил Дехқонович**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Ханкельдиев Шер Ҳакимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ражабов Ғулomжон Қурбанбаевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 22 "Феврал" оат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76; веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "В" биноси, 2-қават, илмий кенгаш зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211867 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил "9" Феврал куни тарқатилган.  
(2022 йил "9" Феврал даги 4 рақамли реестр баённомаси)



**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё микёсида таэквандо Олимпиада ўйинлари дастурига нисбатан кечроқ киритилган бўлса-да, ўзининг ўта тезкор ва кескин ўзгарувчан вазиятларда ижро этиладиган, жозибали ҳаракатлари билан ўз мавқега эга бўлган шарқона яккакурашлардан бири ҳисобланади. Техник-тактик ҳаракатлари билан ажралиб турадиган таэквондо сўнгги йилларда географик жиҳатдан ҳам, сон жиҳатидан ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Таэквандо спорти Халқаро Олимпия ўйинлари дастури таркибига киритилгандан сўнг, бу ҳолат унинг бутун дунёда жадал ривожланишига олиб келди.

Жаҳоннинг илмий тадқиқот марказларида таэквондочиларнинг реакция ҳаракат тезлигини ошириш, жисмоний тайёргарлигини асосий мусобақалар бўйича ошириш, техник усулларга ўргатиш услубиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўп йиллик тайёргарлик босқичларида машғулот ва мусобақаларни режалаштириш, таэквондочилар ёши ва малакасига қараб юкламалар ҳажми, уларнинг шиддатини табақалаштириш, юкламалар таъсирида юзага келадиган толиқиш аломатларини бартараф этиш ва иш қобилиятини тиклаш масалалари юзасидан кўплаб илмий услубий манбалар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, таэквондочиларни тайёрлашда фойдаланиладиган меъёрий талаблар, тайёргарлик турларини баҳолаш мезонлари ва модель кўрсаткичлари бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Республикамизда мустақиллик йилларидан бошлаб жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. “Таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бунинг учун ёш таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлиги ва ҳаракат аниқлигини вестибулосоматик машқлар ёрдамида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Мувозанат сақлаш турғунлигини ривожлантириш учун юқори малакали таэквондочилар тайёрлаш дастурларининг илмий асосда ишлаб чиқилмаганлиги, машғулотлар, шу жумладан техник-тактик усулларга ўргатиш, жисмоний ва психофункционал имкониятларни ривожлантириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ташкил қилинишини талаб этмоқда. Бугунги кунда ўта кескин рақобат остида, кескин ўзгарувчан вазиятда ва шиддатли анаэроб юкламалар таъсирида кечадиган замонавий таэквондо мусобақаларида техник-тактик ҳаракатлар координация аниқлиги, мувозанат сақлаш қобилиятига боғлиқ эканлигини очиб берувчи тадқиқотлар хорижий давлатларда ҳам, республикамизда ҳам етарли даражада ўрганилмаган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори. Lex.uz 1-бет

Нейрофизиологик қонуниятлардан маълумки, ўта кескин ўзгарувчан йўналишда тезкор ижро этиладиган ҳаракатлар шиддати ортган сари вестибуляр анализаторлар томонидан бошқариладиган мувозанат сақлаш қобилияти издан чиқади, ҳаракат координацияси ва аниқлиги тушиб кетади. Бундай ҳолат техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Шундан келиб чиқиб ёш таэквондочиларда мувозанат турғунлигини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш талаби кўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПФ-2821-сон “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасига мос равишда амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда спорт амалиётида, шу жумладан яқкакураш спорт турларида ҳам техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш, уларни такомиллаштириш самарадорлиги жисмоний ва психофункционал тайёргарлик даражасига боғлиқ эканлиги, айниқса машғулот ва мусобақа юкламалари таъсирида юзага келадиган толиқиш аломатларини ўз вақтида бартараф этиш ва иш қобилиятини тиклаб бориш билан белгиланиши кўплаб хорижий ва республикамиз мутахассис-олимлари томонидан очиб берилган. Спортчиларда жисмоний сифатларни қайси ёшдан бошлаб ривожлантиришнинг сенситив даврлари аниқланган. Спорт турига танлаш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашда фойдаланиладиган модель кўрсаткичлар, меъёрий талаблар, назорат қилиш ёки баҳолаш тестлари, инструментал методлар ишлаб чиқилган. Кўп йиллик тайёргарлик жараёнининг қайси даврлари ва босқичларида техник-тактик ҳамда жисмоний тайёргарликка доир машқларни қўллаш афзаллиги, юкламалар ҳажми ва шиддатини қачон ҳамда қандай ошириш ёки камайтириш ҳақида

илмий асосланган тавсиялар берилган <sup>2</sup>(Л.П. Матвеев, В.Н. Платонов, Ю.В. Верхошанский, В.М. Зациорский, Ж.К. Холодов, В.Г. Кузнецов, Л.В. Волков, В.И. Лях, А.В. Родионов, Р.Д. Халмухамедов, Ф.А. Керимов). Шу билан бир қаторда, мазкур муаммолар шарқона яккакураш спорт турларидан бири бўлган таэквондо мисолида кўп қиррали тадқиқотлар предмети сифатида ниҳоятда тор кўламда ўрганилган (Ю.А. Шулика, М.С. Терзи, О.Г. Эпов). Ушбу спорт турида ўтказилган айрим диссертацион тадқиқотларда эса турли ёшли таэквондочиларда эгилувчанлик, тезкорлик-куч, чидамкорлик ва техник-тактик ҳаракатларни шакллантириш масалалари тадқиқот остига олинган, холос (А.М. Симаков, А.С. Мавлеткулова, Г.А. Дорофеева, Д.П. Южаков, В.А. Иванов, С.Л. Подпалко). Аммо биз томонимиздан танланган диссертацион иш нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўтказилмаганлиги, ҳатто бу борада мақола ёки тезислар чоп этилмаганлиги илмий журналлардан ва анжуман тўпламларидан аниқланди. Демак, ушбу ҳолат танланган мавзунинг яна бир бор долзарблигидан дарак беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № V-I-30 “Ўсмир таэквондочиларнинг жисмоний тайёргарлигида қўлланиладиган восита ва усуллар аниқланиб, самарадорлигини педагогик тажрибада асослаш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёш таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлиги ва ҳаракат аниқлигини вестибулосоматик машқлар ёрдамида шакллантиришдан иборат.

---

<sup>2</sup> Л.П. Матвеев, Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, : [учебник] / Л. П. Матвеев. - [3-е изд., перераб. и доп.]. - Москва :1999. - С. 279-285 . В.Н. Платонов, Теория и методика физической культуры / Л.П. Матвеев. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Физкультура и спорт, СпортАкадемПресс, 2008. – 544 с. Ю.В. Верхошанский, Физиологические основы и методические принципы тренировки в беге на выносливость. Советский спорт— (Атланты спортивной науки) .— Библиогр. 2014. – 111-121 с. В.М. Зациорский, Физические качества спортсмена: основы теории и методики воспитания / В.М. Зациорский. – М.: Советский спорт, 2009. –200 с. Ж.К. Холодов, В.Г. Кузнецов, Теория и методика физического воспитания и спорта 2000. Л.В. Волков, Теория и методика детского и юношеского спорта. 2002 Олимпийская литература. В.И. Лях, Физическая культура. 8-9 классы. Учебник. 201. - С. 40-46. А.В. Родионов, Здоровье сердца и сосудов. 2018. - С. 58-73. Р.Д. Халмухамедов, Известия Вузов, Технология построения после соревновательного этапа борцов-курешистов. 2009, № 7. -316 с. Ф.А. Керимов. Инновационная направленность в использовании методов математической статистики с целью дифференцированного оценивания физической подготовленности спортсменов. Наука новые технологии и инновации 2015, № 9, - 187 с. Ю.А. Шулик, Тхэквондо. Теория и методика. Том 1. Спортивное единоборство: Учебник для СДЮШОР. М.С.Терзи, Физиологические особенности адаптивных процессов у подростков в тхэквондо. Челябинск – 2003. – 101 с. О.Г. Эпов. Основы маневрирования в тхэквондо втф Москва: Физическая культура, 2009 .— 176 с. А.М. Симаков, Формирование интегральной подготовленности юных тхэквондистов на основе моделирования соревновательной деятельности в подвижных играх тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 13.00.04, кандидат педагогических наук. 2010. - С. 118-134. А.С. Мавлеткулова, Методика развития специальных физических качеств юношей в тхэквондоТекст научной статьи по специальности «Науки о здоровье». 2006. № 3. - С. 50-59. Г.А. Дорофеева, Д.П. Южаков, Обучение тактике в тхэквондо-wtf на этапе начальной подготовки с использованием средств и методов межкультурной коммуникации. 2011. - С. 71-97. С.Л. Подпалко. Журнал "Вестник спортивной науки". Построение нагрузок в микроциклах подготовительного периода и двигательные возможности таэквондистов 13-15 лет. 2014. - С. 18-24.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

таэквондо спорт турида махсус жисмоний ва техник тайёргарликнинг устувор компонентларини ифодаловчи мувозанат сақлаш турғунлиги ва ҳаракат аниқлигини объектив баҳолашга мўлжалланган тестлар блокини ишлаб чиқиш ва махсус техник усулларнинг аниқлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш;

ёш таэквондочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини мувозанат сақлаш ва ҳаракат аниқлиги билан боғлиқлигини аниқлаш ва мураккаб вазиятларда зарбалардан фойдаланишни такомиллаштириш;

15-16 ёшли таэквондочиларда айланма ҳаракат машқлари давомида ўнг ва чап оёқда “Ёпчаге” ва «Апчаге» ҳолатида мувозанат сақлаш турғунлигини ҳаракат аниқлигига (оёқлар билан нишонга зарба бериш аниқлиги) таъсир этувчи вестибулосаматик машқлар дастурини ишлаб чиқиш ва меъёрларини шакллантириш;

15-16 ёшли таэквондочиларда махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш учун машғулотларда тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш учун ишлаш тартибини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика Олимпия захиралари коллежининг таэквондо бўлимида таълим олувчи 15-16 ёшли ўқувчиларнинг ўқув-тренировка машғулотлари, уларнинг жисмоний ва техник тайёргарлиги жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** 15-16 ёшли таэквондочиларда махсус жисмоний ва техник тайёргарлигини ошириш учун мувозанат сақлашга қаратилган восита ва усуллар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, сўровнома, видеотаҳлил, тезкорлик-куч, статохронометрия (мувозанат сақлаш вақти), вестибулохронометрия (айланма ҳаракат машқлари давомида мувозанат сақлаш), педагогик тажриба, математик-статистика усулларида фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёш таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлигини ошириш учун “Апчаге”, “Ёпчаге” усулларини бажаришда тана ва унинг қисмлари ҳолатини ҳаракат йўналиши бўйича ёрдамчи ва ривожлантирувчи машқларни бир оёққа таянган ҳолда белгиланган траектория ва амплитудада машғулотга киритиш ҳисобига махсус техник усулларни бажариш аниқлигини ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

ёш таэквондочиларнинг махсус техник усуллар аниқлигини ошириш учун фазода мўлжал олиш лаёқатидан келиб чиқиб мушак кучланишларини ҳис қилиш имкониятлари бўйича мувозанат сақлаш қобилиятини кўз назоратида ва кўз назоратисиз айланма ва бурилма зарбаларни ноқулай бўлган ҳолатда бажартириш ҳисобига мураккаб вазиятлардан унумли фойдаланиш имконияти такомиллаштирилган;

15-16 ёшли таэквондочиларда мувозанат сақлаш қобилиятини оширишда тананинг турли қисмларини айлантириш машқларидан сўнг



манекен бошига зарба беришни ривожлантириш машқлари орқали ассиметрик фарқни қисқартириш учун вестибулосоматик машқларни статик ва динамик тартибда машғулотларга киритиш ҳисобига мусобақалашига бўлган кўникма ва малакалари шакллантирилган;

15-16 ёшли таэквондочиларда махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш учун кескин кучланиш билан бажариладиган тезкор-куч машқларини ўзгарувчан йўналиш бўйича миометрик (енгиб ўтувчи) ва полиометрик (ён берувчи) тартибда машғулотга киритиш ҳисобига қисқа вақт ичида катта кучни (портловчи куч) намоён этиш қобилияти такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Таэквондочилар тайёрлаш амалиётида махсус жисмоний ва техник тайёргарлик, шу жумладан таянч юзаси камайтирилган ҳолатда (ўнг ва чап оёққа таянган ҳолатда ёки “Ёпчаге” ҳолатида) мувозанат сақлаш қобилияти ва айланма машқлар таъсиридан сўнг аниқ ҳаракатлар (зарба бериш) самарадорлигини баҳолаш мақсадида тестлар блоки ишлаб чиқилган;

тестлар блокани машғулотлар давомида қўллаш асосида ёш таэквондочиларда жисмоний ва техник тайёргарлик, таэквондода ўта муҳим роль ўйнайдиган мувозанат сақлаш (статик ва динамик мувозанат) турғунлигини ҳаракат (ўнг ва чап оёқда зарба бериш) аниқлигига таъсир этиши исботланган;

тайёргарлик турлари ва қайд этилган ҳаракат қобилиятларини моделлаштирилган тартибда ишлаб чиқилган вестибулосоматик машқлар ёрдамида самарали шакллантириш мумкинлиги очиб берилган. Олинган натижалар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, тренерларга машғулотлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги республикамиз ҳамда чет эл олимлари, шунингдек, хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жаҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан асосланадики, 15-16 ёшли таэквондочилар мисолида, биринчидан, махсус жисмоний тайёргарликни (ҳаракат тезлиги, оёқ-қўлларни букувчи ва ёзувчи мушаклар кучи) техник тайёргарлик (“Ёпчаге” ва “Апчаге” ҳолатида ўнг ва чап оёққа таяниб мувозанат сақлаш, тезкор айланма машқ таъсирида зарба бериш аниқлиги)

билан боғлиқлиги аниқланди. иккинчидан, статик ва динамик кучланиш ҳолатида мувозанат сақлаш турғунлигини ўнг ва чап оёқ билан зарба бериш аниқлигига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши исботланди.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, биринчидан, ёш таэквондочиларда техник тайёргарликни (“Ёпчаге” ва “Апчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш, зарба бериш сони, тезлиги ва аниқлиги) баҳолашга мўлжалланган тестлар блоки ишлаб чиқилганлиги, иккинчидан, ёш таэквондочиларда статик ва динамик кучланиш ҳолатида мувозанат сақлаш қобилияти, ҳаракат тезлиги, координацияси ва аниқлигини вестибулосоматик машқлар (бошни ва танани ўнг ва чап томонларга айлантириш, танани айлантириб юриш-югуриш, техник усулларни бажариш) ёрдамида самарали шакллантириш мумкин. Ушбу машқлар дастури ёш таэквондочиларни тайёрлаш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Ёш таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлиги ва ҳаракат аниқлигини вестибулосоматик машқлар ёрдамида ривожлантириш самарадорлигига қаратилган тажрибалар асосида:

ёш таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлигини ошириш учун (“Апчаге”, “Ёпчаге”) усулларини бажариш механизми бўйича таклифлар Республика Олимпия захиралари коллежининг ўқув-тренировкасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 03-17-01/2873 - сон маълумотномаси). Натижада техник усулларни такомиллаштириш 14-18%га яхшиланган;

ёш таэквондочиларнинг махсус техник усуллари аниқлигини ошириш учун фазода мўлжал олиш лаёқатидан келиб чиқиб, кўз назоратида ва кўз назоратисиз айланма ва бурилма зарбаларни ноқулай бўлган ҳолатда бажартириш ҳисобига мураккаб вазиятлардан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар “Таэквондо назарияси ва услубияти” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғи билан тасдиқланган гувоҳнома). Натижада ҳаракат фаоллиги 17% га ошган;

15-16 ёшли таэквондочиларда мувозанат сақлаш қобилиятини оширишда танани турли қисмларини айлантириш машқларидан сўнг манекен бошига зарба бериш юкласидан келиб чиқиб, ассиметрик фарқни қисқартириш учун вестибулосоматик машқларни машғулотларда қўллаш бўйича таклифлар Республика Олимпия захиралари коллежининг ўқув-тренировкасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 21- июндаги 03-17-01/2873 - сон маълумотномаси). Натижада зарба аниқлиги 15%га яхшиланган;

15-16 ёшли таэквондочиларда махсус жисмоний тайёргарликни ошириш учун ўзгарувчан йўналишли даражада кескин кучланиш билан бажариладиган тезкор-куч машқларини такомиллаштириш бўйича таклифлар “Спорт педагогик маҳоратни ошириш” (таэквондо) номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғи билан тасдиқланган гувоҳнома). Натижада ҳаракат фаоллиги 17% га ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) мақолалар чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация “кириш”, 4 та боб, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, матни 138 бет, 21 та жадвал, 22 та расмлардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуси тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Яккакураш спорт турларида координацион тайёргарликни мувозанат сақлаш турғунлиги ва ҳаракат аниқлиги билан боғлиқлиги**” деб номланган биринчи бобида яккакураш спорт турларига хос ҳаракат фаолиятида кўп қиррали интеграл хусусиятга эга координацион қобилиятлар ва уларнинг таркибий компонентларининг ўрни, шу жумладан ҳаракат аниқлигини шакллантиришда мувозанат сақлаш турғунлиги билан боғлиқ координацион қобилиятларни ривожлантиришда юзага келадиган ўнақайлик-чапақайлик муаммолари библиографик манбаларга асосланган ва таэквондога таққосланган ҳолда қиёсий таҳлил қилинган. Мутахасис-олимлар томонидан таэквондо мисолида ўтказилган тадқиқот натижалари, улар асосида эътироф этилган фикр-мулоҳазалар ва мувофиқ хулосаларни диссертацион иш бўйича танланган мавзу доирасида кўтарилган муаммоларга алоқадорлиги алоҳида очиб берилган [Ю.А.Шулика, А.В.Гашланов, Г.А. Гордеева, В. И. Лившиц, В.И. Шейка, Ли Чжон Ки, Е. И. Порогер, С. А. Данилов]. Бу борада айниқса Я. Е. Бугаец ва ҳаммуаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар биз томонимиздан танланган мавзу доирасига қисман яқин бўлиб, унда жалб қилинган

таэквондочиларнинг 67% ўнг оёқ, 20% чап оёқ асимметриясига ва 13% ўнг ва чап оёқ симметриясига эга эканлиги кузатишган. Шу билан бир қаторда аниқландики, оёқлар устунлигида зарба бериладиган таэквондода ўнг ва чап оёқда “Ёпчаги”, “Апчаги” ва бошқа ҳолатлар, айланма ҳаракатлар давомида ўнг ва чап оёқда мувозанат сақлаш, ҳаракатланиш ва зарба бериш аниқлиги кенг қамровли тадқиқотлар асосида ўрганилмаганлиги аниқланди.

Диссертацион ишнинг **“Тадқиқот методлари ва уни ташкил қилиш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини ҳал этишда қўлланилган методлар, модификациялаштирилган ва янги ишлаб чиқилган педагогик тестлар моҳияти, мазмуни, улардан фойдаланиш технологияси тасвирли расмлар асосида ёритилган. Ананавий машғулотларни ўтказиш, ўргатиш ва ўзлаштириш тажрибасини ўрганиш мақсадида ташкил қилинган педагогик кузатув ҳамда сўровнома методларининг моҳияти ва шартлари ўз ифодасини топган. Жорий тадқиқотлар ва педагогик тажриба иштирокчилари ўтказилган муддатлари, саналари, тажрибанинг дастури, назорат ва тажриба гуруҳларида ўтказилган машғулотлар мазмуни, уларнинг фарқи, тажриба гуруҳида қўлланилган экспериментал мазмунли машқлар мажмуалари, уларни қўллаш тартиби, такрорланиш сони ва бошқа шарт-шароитлар очиқ берилган.

Жумладан, I босқичда 15-16 ёшли таэквондочилар билан ўтказиладиган ананавий машғулотлар педагогик кузатув остига олинди ва сўровнома тадбирлари ташкил қилиниб, олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинди. Диссертацион тадқиқот 4- босқичда амалга оширилган.

II босқичда мувозанат сақлаш ва ўнг ва чап оёқда зарба бериш аниқлигини баҳолашга мўлжалланган махсус тестлар ишлаб чиқилди ҳамда улар ёрдамида жорий тадқиқотлар ўтказилди.

III босқичда назорат ва тажриба гуруҳларга мансуб 15-16 ёшли таэквондочилар иштирокида 7 ойлик педагогик тажриба ташкил этилди.

IV босқичда ўтказилган педагогик тажриба натижалари қиёсий таҳлил қилинди, хулосалар ишлаб чиқилди ва тадқиқот натижаларига асосан амалий тавсиялар тайёрланиб, амалиётга жорий этилди.

Олинган натижаларни табақалаштирилган ва интеграллаштирилган тартибда математик-статистик методлари ёрдамида, шу жумлада рақамли кўрсаткичларининг ўртача кўрсаткичи ( $\bar{X}$ ), унинг ўртача квадратик оғишмаси, абсолют ва нисбий ўсиши (%да), кўрсаткичлар ўзгариши қиймати ва ишончлилиги (P) каби статистик мезонларидан фойдаланиш тартиби қайд этилган.

Диссертациянинг **“15-16 ёшли таэквондочилар билан ўтказиладиган ананавий машғулотларда мувозанат сақлаш турғунлиги ва ҳаракат аниқлигининг ўсиш суръати”** деб номланган учинчи бобда шу ёшдаги таэквондочилар билан ананавий машғулотларнинг ўтказиш тажрибаси, мувозанат сақлаш турғунлигини ўнг ва чап оёқ билан зарба беришдаги аҳамияти, бундай ҳаракатларни бажаришда юзага келадиган асимметрик фарқларнинг диапозони, бу борада кузатиладиган ўнақайлик ёки чапақайлик

муаммолари педагогик кузатув ва сўровнома методлари ёрдамида очиб берилган. Олинган натижалар ва жавоблардан маълум бўлдики, “Ёпчаге” ва “Апчаге” ҳолатларда ўнг ҳамда чап оёқда мувозанат сақлаш турғунлиги, уни вестибулосоматик машқлар қўлланилганда бош ва танани ўнг-чап томонларга айлантириш таъсирида ўнг ва чап оёқ билан зарба бериш аниқлигини шакллантирувчи машқлар анъанавий машғулотларда мақсадли қўлланмаслиги аниқланди. Мазкур машқлар ўртача 2,9 марта, уларни такрорлаш вақти 1,4-1,8 дақиқани ташкил этар экан.

1-жадвал

15-16 ёшли таэквондочиларда ўнг ва чап оёққа таяниб махсус ҳолатларда мувозанат сақлаш турғунлиги ва уни анъанавий машғулотлар давомида ўсиш суръати – n=96

( $\bar{X} \pm \sigma$ )

Тестлар	2018 йил сентябрь	2019 йил июнь	Кўрсаткичлар фарқи
Ўнг оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония)	$\frac{14,8 \pm 3,21}{7,5 \pm 2,33}$	$\frac{15,4 \pm 2,77}{8,5 \pm 1,25}$	$\frac{0,6}{1}$
Асимметрик фарқ	7,3±0,88	6,9±1,52	0,4
Чап оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония)	$\frac{19,9 \pm 6,77}{10,7 \pm 3,65}$	$\frac{21,3 \pm 5,19}{12,8 \pm 2,54}$	$\frac{1,4}{2,1}$
Асимметрик фарқ	9,2±3,12	8,5±2,65	0,7
Ўнг оёққа таяниб, “Апчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония)	$\frac{11,5 \pm 2,78}{5,7 \pm 1,09}$	$\frac{13,2 \pm 2,23}{6,3 \pm 2,12}$	$\frac{1,7}{0,6}$
Асимметрик фарқ	5,8±1,69	6,9±1,11	1,1
Чап оёққа таяниб, “Апчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония)	$\frac{14,3 \pm 2,94}{6,2 \pm 1,13}$	$\frac{15,5 \pm 2,87}{7,9 \pm 1,18}$	$\frac{1,2}{1,7}$
Асимметрик фарқ	8,1±1,81	7,6±1,69	0,5

**Изоҳ:** суратда – кўз назоратида, маҳражда – кўз назоратисиз;

Ўнг ва чап оёқда мувозанат сақлаш турғунлиги, ўнг ва чап оёқ билан зарба бериш аниқлигини баҳолаш давомида қайд этилган сушт натижалар жорий тадқиқотларда ҳам кузатилди. Масалан, , ўнг оёққа таяниб “Ёпчаге” ҳолатида кўз назорати билан мувозанат сақлаш вақти (суратдаги кўрсаткичлар) дастлаб (2018 йил, сентябрь) 14,8±3,21 сонияни ташкил этган бўлса, 10 ой давомида ўтказилган анъанавий машғулотлардан сўнг (2019 йил, июнь) 15,4±2,77 сониягача узайди ёки бошқача қилиб айтганда, мувозанат сақлаш турғунлиги 0,6 сониягача яхшиланди (1-жадвал). Ана шу тест машқи кўз назоратисиз ҳолатда бажарилганда мувозанат сақлаш вақти (маҳражда) дастлаб 7,5±2,33 сония, 10 ойдан кейин 8,5±1,25 сонияга тенг бўлганлиги қайд этилди. Бундай ҳолатда мувозанат сақлаш турғунлиги 1 сонияга ортди.

Шуни ҳам эътироф этиш муҳимки, ўнг оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатида кўз назоратида ва кўз назоратисиз намоёиш этилган кўрсаткичлар ўртасида деярли икки баробар фарқ кузатилди. Ўнг оёққа таяниб кўз назоратида ва кўз назоратисиз ҳолатларда қайд этилган мувозанат сақлаш вақтининг асимметрик фарқи дастлаб  $7,3 \pm 1,08$  сония, 10 ойдан сўнг ушбу фарқ  $6,9 \pm 1,62$  сонияни ташкил этди. Чап оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатида кўз назорати билан ва кўз назоратисиз намоёиш этилган кўрсаткичлар мувофиқ равишда қуйидагича кўринишга эга бўлди:  $19,9 \pm 6,77$ ;  $21,3 \pm 5,19$ ; 1,4 (дастлабки кўрсаткичлар);  $10,7 \pm 3,65$ ;  $12,8 \pm 2,54$ ; 2,1 (10 ойдан сўнг). Кўз назоратида ва кўз назоратисиз ҳолатларда қайд этилган кўрсаткичлар фарқи мувофиқ тартибда  $9,2 \pm 3,12$  ва  $8,5 \pm 2,65$  сонияга тенг бўлди. Ўнг оёққа таяниб, “Апчаге” ҳолатида кўз назорати билан мувозанат сақлаш вақти (суратда) дастлаб  $11,5 \pm 2,78$  сонияни, кўз назоратисиз (махражда) эса  $5,7 \pm 1,09$  сонияни ташкил этди. 10 ойдан кейин мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда қуйидагича намоёиш этилди:  $13,2 \pm 2,23$ ;  $6,3 \pm 2,12$  сония. Кўз очик ва кўз юмик ҳолатларда мувозанат сақлаш вақтининг дастлабки ва 10 ойдан кейинги кўрсаткичлари ўртасидаги ўсиш фарқи мувофиқ равишда 1,7 ва 0,6 сония билан ифодаланди. Чап оёққа таяниб, “Апчаге” ҳолатида кўз назорати билан ва кўз назоратисиз шароитларда мувозанат сақлаш вақтининг дастлабки ва 10 ойдан кейинги кўрсаткичлари мувофиқ равишда қуйидагича намоёиш этилди:  $14,3 \pm 2,94$ ;  $6,2 \pm 1,13$  (дастлабки);  $15,5 \pm 2,87$ ;  $7,9 \pm 1,18$  (10 ойдан кейин); мувозанат сақлаш вақтининг узайиш фарқи 1,2 ва 1,17 сонияга тенг бўлди.

Кўз очик ва юмик ҳолатларда қайд этилган мувозанат сақлаш вақтларининг ўзаро фарқи дастлаб  $8,1 \pm 1,81$  сонияни, 10 ойдан сўнг  $7,6 \pm 1,63$  сонияни ташкил этди.

15-16 ёшли таэквондочилар устида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, улар кўз назоратида, айниқса кўз назоратисиз ҳолатларда бош ва танани турли томонларга айлантирганда ўз мувозанатларини узоқ вақт ичида сақлай олмас эканлар. Масалан, “оёқларни жипслаштириб, тик турган ҳолатда кўз назорати билан (суратдаги кўрсаткичлар) бошни чап томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш вақти дастлаб (2018 йил сентябрь)  $13,7 \pm 3,79$  сонияни, 10 ойдан сўнг (2019 йил июнь) эса ушбу кўрсаткич  $14,5 \pm 3,81$  сонияни ташкил этди ёки мувозанат сақлаш вақти (турғунлиги) 0,8 сонияга узайди, холос (2-жадвал).

Мазкур тест кўз назоратисиз бажарилганда (махраждаги кўрсаткичлар) қайд этилган кўрсаткичлар мувофиқ равишда қуйидагича ифодаланди:  $9,5 \pm 2,07$ ;  $10,8 \pm 3,09$ ; 1,3 сония. Кўриниб турибдики, биринчидан, кўз назоратисиз мувозанат сақлаш вақти ўқув йилининг бошида ҳам, 10 ойдан кейин ҳам кескин қисқариб кетган (мувофиқ равишда  $4,2 \pm 1,72$  ва  $3,7 \pm 0,72$  сониягача), иккинчидан, ўқув йили якунига келиб бундай сустлашган мувозанат сақлаш турғунлиги яна 0,5 сониягача тушиб кетган.

Ушбу тест бошни ўнг-ноқулай томонга айлантириш давомида бажарилишида мувозанат сақлаш вақти бошни чап томонга айлантириш

таъсирида қайд этилган мувозанат сақлаш вақтидан 1-1,5 баробарига тушиб кетганлиги кузатилди.

2-жадвал

15-16 ёшли таэквондочиларда бош ва танани айлантириш давомида мувозанат сақлаш турғунлиги ва уни анъанавий машғулотлар давомида ўсиш суръати – n = 96  
( $\bar{X} \pm \sigma$ )

Тестлар	2018 йил сентябрь	2019 йил июнь	Кўрсаткичлар фарқи
Оёқларни жипслаштириб, тик турган ҳолатда бошни чап томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш (сония)	$13,7 \pm 3,79$	$14,5 \pm 3,81$	$0,8$
	$9,5 \pm 2,07$	$10,8 \pm 3,09$	$1,3$
Кўрсаткичлар фарқи	$4,2 \pm 1,72$	$3,7 \pm 0,72$	0,5
Оёқларни жипслаштириб, тик турган ҳолатда бошни ўнг томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш (сония)	$9,2 \pm 2,23$	$9,9 \pm 2,12$	$0,7$
	$6,3 \pm 1,59$	$7,4 \pm 1,86$	$1,1$
Кўрсаткичлар фарқи	$2,9 \pm 0,64$	$2,5 \pm 0,31$	0,4
Гавдани 90° олдинга эгилган ҳолатда танани чап томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш (сония)	$10,9 \pm 2,06$	$13,5 \pm 2,37$	$2,6$
	$5,4 \pm 1,29$	$7,7 \pm 1,72$	$2,3$
Кўрсаткичлар фарқи	$5,5 \pm 0,77$	$5,8 \pm 0,65$	+ 3
Гавдани 90° олдинга эгилган ҳолатда танани ўнг томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш (сония)	$6,9 \pm 1,13$	$9,3 \pm 1,65$	$2,4$
	$3,7 \pm 1,64$	$5,9 \pm 1,27$	$2,2$
Кўрсаткичлар фарқи	$3,2 \pm 0,51$	$3,4 \pm 0,38$	+ 0,2

**Изоҳ:** суратда – кўз назоратида; маҳражда – кўз назоратисиз

Гавдани 90° олдида эгилган ҳолатида танани чап ва ўнг томонга айлантириш таъсирида қайд этилган мувозанат сақлаш кўрсаткичлари ҳам айнан аввалги кўрсаткичлар динамикасига ўхшаш йўналишида намоён этилди.

Маълумки, бугунги таэквондода ҳаракат давомида мувозанат сақлаш аниқ зарбалар бериш ҳал қилувчи этиборга лойиқдир. Мазкур йўналиш доирасида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 15-16 ёшли таэквондочиларда чап оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатидан депсиниб, узунликка сакраш оралиғи дастлаб (2018 йил, сентябрь)  $61,2 \pm 5,07$  см. ни, 10 ойдан сўнг эса  $63,5 \pm 4,27$  см. ни ташкил этди. Ўнг оёққа таяниб, шу ҳолатдан



депсиниб, узунликка сакраш оралиғи эса мувофиқ равишда қуйидагича қайд этилди: 55,3±3,24; 57,7±3,56; 2,4 см (3-жадвал).

3-жадвал


**15-16 ёшли таэквондочиларда махсус тезкорлик-куч сифатларини анъанавий машғулотлар давомида ўсиш суръати – n=96 ( $\bar{X} \pm \sigma$ )**

Тестлар	2018 йил, сентябрь	2019 йил, июнь	Кўрсаткичлар фарқи
Чап оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатидан депсиниб, узунликка сакраш (см)	61,2±5,07	63,5±4,27	2,3
Ўнг оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатидан депсиниб, узунликка сакраш (см)	55,3±3,24	57,7±3,56	2,4
Кўрсаткичлар фарқи	5,9±1,83	5,8±0,71	0,1
10 м. га оёқда ҳаракатланиб, “Ёпчаге” ҳолатида ўнг оёқ билан тах марта зарба бериш (сония/марта)	7,8±1,07 12,3±1,34	7,2±0,71 13,2±1,37	0,6/0,9
10 м. га оёқда ҳаракатланиб, “Ёпчаге” ҳолатида чап оёқ билан тах марта зарба бериш (сония/марта)	10,4±1,35 9,5±0,71	9,3±1,11 10,7±0,83	1,1/1,2
Кўрсаткичлар фарқи	2,6±0,28 2,8±0,63	2,1±0,40 2,5±0,48	0,5/0,3
4x10 м. га олдинга-орқага моксишон югуриш (сония)	12,7±1,77	11,5±1,56	1,2

“Танани айлантормасдан манекен бошига ўнг оёқда зарба бериш” аниқлиги 6 имкониятдан дастлаб (2018 йил, сентябрь) ўртача 4,6±0,22 мартани, 10 ойдан сўнг эса 5,1±0,39 мартани ташкил этди ёки зарба бериш аниқлиги 0,5 мартага етди (4-жадвал). Чап оёқда берилган аниқ зарбалар сони дастлаб 3,5±0,17 марта билан ифодаланган бўлса, 10 ойдан кейин ушбу кўрсаткич 3,8±0,19 мартага тенг бўлгани қайд этилди ёки зарбалар аниқлигининг 10 ойлик ўсиш суръати 0,3 мартани ташкил этди, холос.

2018 йил сентябрда ўтказилган тадқиқотда чап ва ўнг оёқ билан депсиниб, узунликка сакраш оралиғи ўртасида 5,9 см. га тенг асимметрик фарқ аниқланган бўлса, 2019 йил июнда, яъни 10 ойдан кейин ушбу фарқ 5,8 см. ни ташкил этди ёки қайд этилган дастлабки асимметрик фарқ 10 ойлик анъанавий машғулотлардан сўнг ҳам деярли ўзгармади (1-расм). 10 м. га чап оёқда ҳаракатланиб, “Ёпчаге” ҳолатида ўнг оёқ билан максимал марта зарба бериш дастлаб 7,8±1,07/12,3±1,34 сония/марта, 10 ой давомида ўтказилган анъанавий машғулотлардан сўнг 7,2±0,71/13,2±1,37 сония/мартани ташкил этди.

Кўриниб турибдики, чап оёқда “Ёпчаге” ҳолатида 10 м. га ҳаракатланиш тезлиги 10 ой ичида 0,5 сонияга қисқарган бўлса, ўнг оёқ билан зарба бериш сони 0,9 мартага ортган, холос.



**Изоҳ:** А – 2018 йил сентябрда чап ва ўнг оёқ билан депсиниб сакраш оралиғи ўртасида қайд этилган асимметрик фарк; Б – 2019 йил июнда чап ва ўнг оёқ билан депсиниб сакраш оралиғи ўртасида қайд этилган асимметрик фарк (см).

**1-расм. Ўнг ва чап оёқ билан депсиниб сакраш оралиғи ўртасида қайд этилган асимметрик фарқни ифодаловчи диаграмма**

10 м. га ўнг оёқда ҳаракатланиб, “Ёлчаге” ҳолатида чап оёқ билан максимал марта зарба бериш дастлаб (ўқув йилининг бошида)  $10,4 \pm 1,35 / 9,5 \pm 0,71$  сония/мартани ташкил этган бўлса, 10 ойдан сўнг ушбу кўрсаткич  $9,3 \pm 1,11 / 10,7 \pm 0,89$  сония/марта билан ифодаланди ёки ўнг оёқда ҳаракатланиш тезлиги 1,1 сонияга қисқарди, чап оёқда зарба бериш сони эса 1,2 мартага ортди. Эътироф этиш жоизки, мазкур тестлар бўйича ҳам чап ва ўнг оёқ билан ижро этилган ҳаракатлар кўрсаткичлари ўртасида яққол кўзга ташланадиган асимметрик фарқ кузатилди.

“Танани айлантирмасдан манекен бошига ўнг оёқда зарба бериш” аниқлиги 6 имкониятдан дастлаб (2018 йил, сентябрь) ўртача  $4,6 \pm 0,22$  мартани, 10 ойдан сўнг эса  $5,1 \pm 0,39$  мартани ташкил этди ёки зарба бериш аниқлиги 0,5 мартага етди (4-жадвал). Чап оёқда берилган аниқ зарбалар сони дастлаб  $3,5 \pm 0,17$  марта билан ифодаланган бўлса, 10 ойдан кейин ушбу кўрсаткич  $3,8 \pm 0,19$  мартага тенг бўлгани қайд этилди ёки зарбалар аниқлигининг 10 ойлик ўсиш суръати 0,3 мартани ташкил этди, холос.

Ўнг ва чап оёқда берилган зарбалар аниқлигининг асимметрик фарқи дастлаб  $1,1 \pm 0,05$  билан ифодаланган бўлса, 10 ойлик анъанавий машғулотлар якунида  $1,3 \pm 0,20$  марта билан қайд этилди ёки 0,2 мартага салбий томонга ўзгарди. Эҳтимол қилиш мумкинки, анъанавий машғулотларда ўнг ва чап оёқда зарба бериш аниқлигини симметрик тартибда шакллантиришга

қаратилган машқлардан фойдаланишга жиддий эътибор берилмас экан. Танани 15 сония давомида чап томонга айлантириш юкламасидан сўнг манекеннинг бош қисмига ўнг оёқ билан 6 имкониятдан зарба бериш аниқлиги дастлаб  $2,3 \pm 0,09$  мартани ташкил этган бўлса, 10 ойдан кейин бу кўрсаткич  $2,9 \pm 0,11$  марта билан ифодаланди ёки зарба бериш аниқлигининг ўсиш суръати 0,6 мартага тенг бўлди холос. Чап оёқда ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда  $1,1 \pm 0,05$  ва  $1,4 \pm 0,05$  мартани ташкил этди.

4-жадвал

**15-16 ёшли таэквондочиларда танани чап томонга айлантиришдан аввал ва кейин ўнг-чап оёқда манекеннинг бош қисмига зарба бериш аниқлигини анъанавий машғулотлар давомида ўсиш суръати –  $n=48$  ( $\bar{X} \pm \sigma$ )**

Тестлар	2018 йил, сентябрь	2019 йил, июнь	Кўрсаткич- лар фарқи
Танани айлантirmасдан манекен бошига оёқ билан зарба бериш (6 имконият/марта): - ўнг оёқда	$4,6 \pm 0,22$	$5,1 \pm 0,39$	-0,5
- чап оёқда	$3,5 \pm 0,17$	$3,8 \pm 0,19$	-0,3
Кўрсаткичлар фарқи	$1,1 \pm 0,05$	$1,3 \pm 0,20$	- 0,2
Танани 15 сония айлантиришдан сўнг манекен бошига оёқ билан зарба бериш (6 имконият/марта): - ўнг оёқда	$2,3 \pm 0,09$	$2,9 \pm 0,11$	-0,6
- чап оёқда	$1,1 \pm 0,03$	$1,4 \pm 0,05$	-0,3
Кўрсаткичлар фарқи	$1,8 \pm 0,06$	$1,5 \pm 0,06$	0,3

**Изоҳ:** танани айлантириш гавдани  $90^\circ$  олдинга эгилган ҳолатида бажарилади.

Ўсиш фарқи 0,3 марта билан ифодаланди. Ўнг ва чап оёқда ижро этилган аниқ зарбалар фарқи дастлаб  $1,2 \pm 0,06$ , 10 ойдан кийин  $1,5 \pm 0,06$  мартага тенг бўлди. Асимметрик фарқ 0,3 мартага қисқарди.

Юқорида қайд этилган натижалар таҳлилидан кўриниб турибдики, анъанавий машғулотлар давомида ёш таэквондочилар томонидан намоёиш этилган кўрсаткичлар 10 ой давомида ҳам яққол ўсмаганлиги билан фарқланади.

**“15-16 ёшли таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлиги ва зарба бериш аниқлигини педагогик тажриба асосида шакллантириш самарадорлиги”** деб номланган 4 бобда педагогик тажриба натижалари қийсий таҳлил қилинган. Педагогик тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўнг оёққа таяниб, “Ёпчаге” ҳолатида кўз назорати билан мувозанат сақлаш вақти НГда тажрибадан аввал  $15,7 \pm 2,83$  сония билан ифодаланган бўлса, тажриба якунига келиб ушбу кўрсаткич  $17,9 \pm 2,92$  сонияни ташкил этди

( $P > 0,05$ ). Мувозанат сақлаш турғунлигининг 7 ойлик ўсиш суръати 2,2 сонияга тенг бўлди, холос (5-жадвал).

5-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳларига мансуб 15-16 ёшли таэквондочиларда мувозанат сақлаш турғунлигини педагогик тажриба давомида ўсиш суръати ( $n = 12$ )


		Тажрибадан аввал			Тажрибадан кейин			Ўсиш суръати	t	P
		$\bar{X}$	$\sigma$	V %	$\bar{X}$	$\sigma$	V %			
Ўнг оёққа таяниб “Ёпчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония):-кўз назоратида	НГ	15,7	2,83	18,03	17,9	2,92	16,31	2,2	1,87	>0,05
	ТГ	15,1	2,75	18,21	27,5	3,22	11,71	12,4	4,82	<0,001
-кўз назоратисиз	НГ	8,3	1,21	14,58	8,8	1,29	14,66	0,5	0,98	>0,03
	ТГ	7,5	1,13	15,07	18,9	2,87	15,19	11,4	4,94	<0,001
Чап оёққа таяниб “Ёпчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония):-кўз назоратида	НГ	22,4	3,71	16,56	23,7	3,81	16,08	1,3	0,85	>0,03
	ТГ	21	3,05	14,52	29,2	3,25	11,13	8,2	4,73	<0,001
-кўз назоратисиз	НГ	11,5	2,33	20,26	12,8	2,47	19,30	1,3	1,33	>0,1
	ТГ	11,2	2,37	21,16	19,7	2,77	14,06	8,5	4,81	<0,001
Ўнг оёққа таяниб “Апчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония):-кўз назоратида	НГ	12,1	2,13	17,60	14,3	2,19	15,31	2,2	2,49	<0,05
	ТГ	11,8	2,09	17,71	19,9	2,87	14,42	8,1	4,84	<0,001
-кўз назоратисиз	НГ	5,6	0,85	15,18	6,9	1,03	14,93	1,3	3,37	<0,01
	ТГ	5,1	0,79	15,49	12,9	1,87	14,50	7,8	4,96	<0,01
Чап оёққа таяниб “Апчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш (сония):-кўз назоратида	НГ	15,2	2,53	16,64	16,9	2,66	15,74	1,7	1,60	>0,1
	ТГ	14,7	2,16	14,69	20,6	2,78	13,50	5,9	4,67	<0,001
-кўз назоратисиз	НГ	6,9	0,71	10,29	8,5	1,02	12,00	1,6	4,46	<0,01
	ТГ	6,5	0,63	9,69	13,2	2,05	15,53	6,7	4,87	<0,001

Экспериментал дастур асосида шуғулланган ТГда эса мувозанат сақлаш турғунлиги мувофиқ равишда  $16,1 \pm 2,92$  сониядан  $21,9 \pm 3,76$  сониягача ортди ( $P < 0,001$ ).

Мувозанат сақлаш вақтининг 7 ойлик узайиш суръати 5,8 сонияни ташкил этди. Мазкур гуруҳда (ТГ) кўз назоратисиз ҳолатда ҳам ўнг оёққа мувозанат сақлаш турғунлиги  $7,5 \pm 1,13$  сониядан (тажрибадан аввал)  $18,9 \pm 2,87$  сониягача (тажриба якунига келиб) ортгани кузатилди. Мувозанат сақлаш вақтининг ўсиш суръати 11,4 сония билан ифодаланди.

Кўриниб турибдики, ТГда мунтазам қўлланиб борилган экспериментал машқлар мувозанат сақлаш турғунлигини жадал ўсишига олиб келган.

Аммо, анъанавий машғулотларда шуғулланиб келган НГда кўз назоратисиз мувозанат сақлаш вақти, биринчидан, мувозанатни кўз назоратида сақлаш кўрсаткичларидан икки баробар кам бўлган, иккинчидан, тажриба якунига келиб кўз назоратида мувозанат сақлаш вақтининг узайиш суръати 1,3 сонияни, кўз назоратисиз ҳолатда эса – 0,5 сонияни ташкил этган (2-расм).



**Изоҳ:** А – ўнг оёқда мувозанат сақлаш; Б – чап оёқда мувозанат сақлаш;  
 1 – кўз назоратида мувозанат сақлаш; 2 – кўз назоратисиз мувозанат сақлаш (сек).  
 ▨ - НГ; ■ - ТГ.

**2-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларига мансуб ёш таэквондочиларда “Ёпчаге” ҳолатида мувозанат сақлаш турғунлигининг тажриба давомида ўзгариш суръати**

Чап оёққа таяниб “Ёпчаге” ҳолатида кўз назорати билан мувозанат сақлаш вақти НГда  $22,4 \pm 3,71$  сониядан  $23,7 \pm 3,81$  сониягача узайган ёки унинг ўсиш суръати 1,3 сонияга тенг бўлди, холос. ТГда эса ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда  $21,0 \pm 3,05$  сониядан  $29,2 \pm 3,25$  сониягача узайган ёки чап оёқда кўз назорати билан мувозанат сақлаш турғунлиги 8,2

сонияни ташкил этган. Кўз назоратисиз ҳолатда эса мувозанат сақлаш турғунлиги НГда  $11,5 \pm 2,33$  сониядан  $12,8 \pm 2,47$  сониягача ортганлиги ёки унинг 7 ойлик ўсиш суръати 1,3 сонияни ташкил этганлиги кузатилди. ТГда ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда  $11,2 \pm 2,37$  –  $19,7 \pm 2,77$  сония ёки мувозанат сақлаш вақтининг ўсиш суръати 8,5 сонияга тенг бўлганлиги аниқланди.

Маълумки, беллашувлар давомида турли томонларга ва турли ҳолатларда бурилиш ёки айланиш ҳаракатларини бажаришда динамик мувозанатни сақлай олиш қобилияти ўзгарувчан йўналишли манёврлар, ҳужум ва ҳимоя усулларини бажаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ана шу муаммони ўрганиш ва уни маълум даражада ечиш мақсадида биз педагогик тажриба жараёнида анъанавий машғулотларда шуғулланишни давом эттирган НГда ва экспериментал дастур асосида шуғулланиб борган ТГда бош ва танани айланма ҳаракатлантириш вақтида мувозанат сақлаш қобилиятининг шаклланиш суръатини аниқладик. (6-жадвал). Қайд этилган натижалардан маълум бўлдики, тик туриб, кўз назоратида бошни чап томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш вақти (турғунлиги) НГда тажрибадан аввал  $14,2 \pm 3,54$  сонияни ташкил этган бўлса, тажриба якунига келиб ушбу кўрсаткич  $16,5 \pm 3,77$  сония билан ифодаланди ( $P > 0,05$ ) ёки бундай шартлар асосида мувозанат сақлаш турғунлиги 2,3 сонияга ўсди, холос. ТГда эса мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда қуйидагича қайд этилди:  $14,7 \pm 3,61$ ;  $33,1 \pm 5,08$  сония ( $P < 0,001$ ) ёки экспериментал дастур асосида шуғулланиб борган ушбу гуруҳда кўз назорати билан бошни чап томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш турғунлиги 5,6 сонияни ташкил этди.

Мазкур тест кўз назоратисиз шароитда бажарилганда мувозанат сақлаш вақти НГда  $9,8 \pm 2,13$  сониядан  $13,6 \pm 3,23$  сониягача узайди, холос ( $P < 0,01$ ) ёки унинг 10 ойлик ўсиш суръати 3,8 сония билан ифодаланди. ТГда ушбу кўрсаткичлар  $10,5 \pm 2,47$  сониядан  $27,2 \pm 4,26$  сониягача узайди ( $P < 0,001$ ) ёки мувозанат сақлаш турғунлигининг 10 ойлик ўсиш суръати 16,7 сонияга ортди.

Тик турган ҳолатда кўз назорати билан бошни ўнг томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш турғунлиги НГда тажрибадан аввал  $9,7 \pm 2,11$  сонияни, тажрибадан кейин  $11,3 \pm 2,19$  сонияни ташкил этди ( $P > 0,05$ ) ёки унинг ўсиш суръати 1,6 сония билан ифодаланди, холос. ТГда ушбу кўрсаткичлар  $8,8 \pm 2,16$  сониядан  $20,5 \pm 3,37$  сониягача узайди ( $P < 0,001$ ) ёки мувозанат сақлаш турғунлигининг 10 ойлик ўсиш суръати 11,7 сонияни ташкил этди.

Мазкур тестни кўз назоратисиз шароитда бажаришда мувозанат сақлаш турғунлиги НГда  $6,6 \pm 1,47$  сониядан  $9,4 \pm 1,76$  сониягача ортди ( $P < 0,01$ ) ёки унинг ўсиш суръати 2,8 сония билан ифодаланди. ТГда мувозанат сақлаш турғунлиги тажрибадан аввал  $7,1 \pm 1,55$  сонияга, тажрибадан кейин ушбу кўрсаткич  $18,5 \pm 3,07$  сониягача ортди ( $P < 0,001$ ) ёки унинг 7 ойлик ўсиш суръати 11,4 сонияни ташкил этди.

**Назорат ва тажриба гуруҳларига мансуб 15-16 ёшли таэквондочиларда бош ва танани айлантириш давомида мувозанат сақлаш кўрсаткичларининг тажриба давомида ўсиш суръати (n = 12+12)**

Тестлар	Гуруҳ	Тажрибадан аввал			Тажрибадан кейин			Ўсиш суръати	t	P
		$\bar{X}$	$\sigma$	V %	$\bar{X}$	$\sigma$	V %			
Тик турган ҳолатда бошни чап томонга айлантиришда мувозанат сақлаш (сония) - кўз назоратида	НГ	14,2	3,54	24,93	16,5	3,77	22,85	2,3	1,76	>0,05
	ТГ	14,7	3,61	24,56	33,1	5,08	15,35	18,4	4,84	<0,001
- кўз назоратисиз	НГ	9,8	2,13	21,73	13,6	3,23	23,75	3,8	3,40	<0,01
	ТГ	10,5	2,47	23,52	27,2	4,26	15,66	16,7	4,95	<0,001
Тик турган ҳолатда бошни ўнг томонга айлантиришда муво-занат сақлаш (сония) - кўз назоратида	НГ	9,7	2,11	21,75	11,3	2,19	19,38	1,6	1,82	>0,05
	ТГ	8,8	2,06	23,41	20,5	3,37	16,44	11,7	4,87	<0,001
кўз назоратисиз	НГ	6,6	1,47	22,27	9,4	1,76	18,72	2,8	4,23	<0,01
	ТГ	7,1	1,55	21,83	18,5	3,07	16,59	11,4	4,96	<0,001
Гавдани 90° олдинга эгиб, танани чап томонга айлантириш-да мувозанат сақлаш (сония) - кўз назоратида	НГ	12,1	2,02	16,69	13,9	3,25	23,38	1,8	1,63	>0,05
	ТГ	13,3	2,47	18,57	20,9	3,56	17,03	7,6	4,53	<0,001
- кўз назоратисиз	НГ	6,9	1,19	17,25	9,3	1,69	18,17	2,4	4,02	<0,01
	ТГ	7,3	2,87	19,32	16,3	2,75	16,87	9	4,58	<0,001
Гавдани 90° олдинга эгиб, танани ўнг томонга айлантириш-да мувозанат сақлаш (сония) - Кўз назоратида	НГ	7,7	1,43	18,57	9,5	1,67	17,58	1,8	2,84	<0,05
	ТГ	9,4	1,71	18,19	13,6	3,21	23,60	4,2	4,00	<0,001
- кўз назоратисиз	НГ	4,7	1,02	21,70	7,3	1,19	16,30	2,6	4,49	<0,001
	ТГ	5,2	1,08	20,77	12,1	3,05	25,21	6,9	4,86	<0,001

Таэквондода маневрлар ёки айланма ҳаракатлардан сўнг мувозанатни йўқотмасдан аниқ зарба бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жойдан манекеннинг бош қисмига танани айлантirmасдан ўнг оёқ билан 6 имкониятдан аниқ зарбалар бериш сони НГда тажрибадан аввал  $4,5 \pm 0,25$  марта билан ифодаланган бўлса, тажрибадан кейин ушбу кўрсаткич  $5,1 \pm 0,43$  мартани ташкил этди ёки зарба



аниқлигининг ўсиш суръати 0,6 мартага тенг бўлди, холос ( $P < 0,05$ , 7-жадвал).

ТГда мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда  $4,3 \pm 0,21$  ва  $5,6 \pm 0,47$  марта билан намоёниш этилган ёки зарба аниқлигининг 7 ойлик ўсиш суръати 1,3 мартагача ортди ( $P < 0,001$ ). Шу тест чап оёқ билан ижро этилганда зарба аниқлиги НГда тажрибадан олдин  $3,3 \pm 0,17$  мартага, тажрибадан кейин  $3,5 \pm 0,23$  мартага тенг бўлганлиги аниқланди ёки зарба бериш аниқлигининг ўсиш суръати 0,2 марта билан ифодаланган ( $P > 0,05$ ). ТГда мазкур кўрсаткич тажрибадан аввал  $3,0 \pm 0,19$  мартага тенг, тажриба якунида  $5,4 \pm 0,41$  мартага тенг бўлган ёки зарбалар аниқлиги 2,4 мартага ўсган ( $P < 0,001$ ).

7-жадвал

